



ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ТАХЛИЛИ.

Болтабоев Анваржон Ахмаджонович

Магистратура ташкилий-тактик бошқарув
факультети тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20120975>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 07-may 2026 yil
Ma'qullandi: 09-may 2026 yil
Nashr qilindi: 11-may 2026 yil

KEY WORDS

гиёхвандлик воситалари,
психотроп моддалар, ноқонуний
айланиш.

ABSTRACT

Ўқувчи-талабар ўртасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга бағишланган. Шунингдек, мақолада гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонуний ва ноқонуний айланишишини келиб чиқиш сабаблари, ёритилга.

Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга ва инсоният генафондига салбий таъсир курсатувчи иллатлардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг инсоният генофондига солаётган хавфи ҳозирнинг долзарб муаммоси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу офатга қарши айна пайтда халқаро миқёсда мислсиз кураш олиб борилмоқда. Бу аниқча ўқувчи-талабалар ўртасида тарқалиши жиддий хавф туғдирмоқда. Афсуски, ҳозирги кунда ўқувчи-талабар орасида таркибида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган (“Трамадол”, “Налбуфин”, ва ҳ.к.) психафаол (“Лирика”, “Регален”, “Галара” ва ҳ.к.) дори воситаларини истеъмол қилиш ҳолатлари учраб турибди. Бу ўқувчи-талабаларнинг рухан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун тусқинлик қилиб келмоқда. Ўқувчи-талабалар ўртасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиши уларнинг соғлиғига, руҳиятига, тарбиясига, келажагига, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиши нафақат инсон саломатлигига зарар етказди, балки ижтимоий, иқтисодий ва маънавий оқибатларга олиб келади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёхвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти” деган фикрни илгари сурган эди.¹ БМТ маълумотида кўра, дунёда 27 миллиондан ортиқ одам гиёхвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксариятқисмини 30

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси/ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмаётгани таассуфлидир. Кейинги пайтларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг инсон саломатлигига зиёни ҳақида кўп гапирилаётганига қарамай, афсуски, ўқувчи-талабалар орасида бу зарарли моддаларга қизиқиш сақланиб, эртамик эгаларининг бу иллат домига билиб-билмай тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Хусусан, **гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар сони статистик маълумотларга кўра, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши соҳасидаги жиноятлар сонидан 2020 йилдан бошлаб ўсиш кузатилмоқда. Масалан: 2020 йилда 3941 га, 2021 йилда 4182 га, 2022 йилда 5825 га, 2023 йилда 6204га, 2024 йилда ўсиш билан 8373 тага оширилгани** – ушбу муаммонинг кескинлашувидан далолат беради². 2025 йилда наркожиноят содир этган жами 11 минг 49 нафар шахс жавобгарликка тортилган бўлиб, **уларнинг ичида 59 нафар мактаб ўқувчиси ва 124 нафар талаба борлиги** – муаммонинг айнан ёшлар орасида кескинлашаётганини яққол кўрсатади³.

Ўқувчи-талабалар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиш сабаблари, шарт-шароитлари ва бу муаммонинг олдини олишда профилактик тадбирларни ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўтган 2025 йилда юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, даволаш ва ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилди. “Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар тарқалишига қарши курашиш” тезкор-профилактик ойлиги ўтказилди. Тадбирлар давомида 1 минг 277 наркожиноят аниқланиб, ноқонуний муомаладан 804 кг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар олинди⁴. Шунга қарамасдан ўқувчи-талабалар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг солир этилиши ҳалигача учраб турибди. Бунга қўйидаги бир қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Ўқувчиларнинг ва талабаларнинг ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиши сабаблари бир биридан тубдан фарқ қилади.

Дастлаб ўқувчилар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалишининг сабаблари қўйидагилар бўлиши мумкин.

- ўқувчилар таълим олаётган мактаблар, лецийлар, коллежлар ва техникумлар жойлашган маъмурий ҳудуддаги ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий муҳитнинг издан чиққанлиги;

- ўқувчи тарбия олаётган оиладаги оилавий муҳитнинг ёмонлиги;

- ўқувчи атрофидаги у билан бирга ўқийдиган тингдошларнинг одоб ва ахлоқидаги бузилишлар;

- ўқувчининг оиладаги, мактабдаги, лецийдаги, коллеждаги ва техникумдаги, кўчадаги фаолиятининг эътиборсиз қолдирилиши;

²Kun.uz: Озодликдан маҳрум қилинган 20 минг киши, 4 баробарга ошган талон-торожлар – жиноятчилик статистикаси. 10.03.2025. URL: <https://kun.uz/news/2025/03/10/>

³Gazeta.uz: 2025 йилда наркожиноят содир этган 11 мингдан ортиқ шахс жавобгарликка тортилди, 59 нафари — ўқувчи. 02.02.2026. URL: <https://www.gazeta.uz/oz/2026/02/02/narkotik/>

⁴<https://yuz.uz/index.php/oz/news/giyohvandlik-va-psixotrop-moddalar-bilan-bogliq-jinoyat-sodir-etgan-4-ming-195-nafar-shaxs-ushlandi--iiv>

- ўқувчи таълим олаётган мактабдаги таълим ва тарбия жараёнларнинг тўғри йўлга қуйилмаганлиги;

- ўқувчи шаклланишидаги унинг психикасидаги фикрлаш доирасининг ташқи муҳит билан ҳамоҳанглиги (кўрган киноси ёки кўрган воқеа ҳодисага ўта қизиқувчанлиги);

- ўқувчининг ота-онаси томонидан унга ҳаддан ташқари иқтисодий шароитларнинг яратиб берилганлиги ва назоратсиз қолдирилганлиги;

- гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқатиш билан шуғулланаётган шахслар томонидан ўқувчиларни алдаш йўли билан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилишга қизиқтириш;

- балоғат ёшидаги ўқувчиларни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилишга қизувчанлиги;

- бугунги кунда интернет тармоғидаги платформалардаги ҳар турдаги порнографик, гиёҳвандлик, психотрофик рекламаларнинг эркин намойиш этилиши;

- мактабларда таълим олаётган ўқувчилар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг салбий иллатларни тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларининг етарли даражада олиб борилмаётганлиги;

Шу билан бирга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалиши юқоридаги сабаблар билан тўхтаб қолмайди. Жамият ривожига ислохотлар натижасида янги сабаблар вужудга келаверади.

Талабаларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- талабаларнинг янги шарт-шароитга мослашув жараёни ва уларни ушбу жараёнда ўзларининг бошқара олмаслиги;

- талабаларда бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги;

- талабалар гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиб кўришга бўлган қизиқиши, унинг таъсирини ўзида синаб кўришга интилиши;

- талабадаги стрессга чидамлилиқнинг пастлиги, тортинчоқлик, итоаткорлик ёки унинг акси – тез асабийлашиши;

- талабалар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қиладиган талабаларнинг борлиги;

- талабанинг турли хил норасмий гуруҳларининг таъсирига тушиб қолиши, уларга ўрганиб қолиши;

- талабада чекиш, сурункали ичкиликбозликнинг мантиқий давоми сифатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши;

- ота-оналар томонидан талабага ҳаддан зиёд шарт-шароит яратиб бериш;

- эркак талабалар ва аёл талабар ўртасидаги ишқий муносабатларининг тусаддан бўзилиши ва улар ҳаётидаги ўзгаришлар дастлаб спиртли ичимликка ружу қуйиши ва гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилишга олиб келиши;

- иқтисодий жиҳатдан кейинчилиқка учраган талабалар томонидан дастлаб гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сотиш билан шуғулланиши ва кейин ўзлари томонидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилишга ружу қуйиши;

- талабаларнинг ўз тенгдошлари билан ҳар ҳил кўнгиш очар жойлар дискотекалар ва тунги интернет клубларида биргалишиб дам олиш натижасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилиши;

- ота-онанинг талабага эҳтиёжидан ортиқ кўпроқ пул бериши ва талаба томонидан уни сарфланишини назорат қилмаслиги ва бошқалар.

Юқорида келтирилган сабаблар ўқувчи талабалар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши учун замин яратиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар ва гиёҳвандлар ўқувчи ва талабаларни гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истимол қилишга ўргатишда асосан, моддий томонлама яхши таъминланган талабаларини кўпроқ ўзларига ўлжа сифатида жалб қилишга ҳаракат қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни билан ноқонуний айланиши ўқувчи-талабалар орасида жиддий муаммо бўлиб, мамлакатимизда бу муаммонинг олдини олиш учун кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда, бироқ бу йўналишда янада кенгроқ ва тизимли ишлар талаб қилинади. Таълим, ижтимоий дастурлар, қонунчилик чоралари ва маънавий тарбия орқали ёшларни гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш мумкин. Келгусида бу муаммони бартараф этиш учун давлат, жамият ва оила бирлашиб қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш лозим.

биринчидан, ҳар бир мактаб, леций, коллеж, техникум, интитут ва университетларда ўқувчи-талабаларга ҳар чоракда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг инсон ҳаёти учун салий иллатлари юзасидан маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишни йўлга қуйиш.

иккинчидан, ҳар бир мактаб, леций, коллеж, техникум, интитут ва университетларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг салбий оқибатлари акс эттирилган банерлар билан жиҳозлаш.

учинчидан, ҳар бир мактаб, леций, коллеж, техникум, интитут ва университетларда ўқувчи-талабар ўртасида ҳудудий профилактика инспектори томонидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг истимол қилиб касалликка чалинган ёки уни савдоси билан шуғулланган шахсларнинг ҳаёти акс этган ҳужжатли фильмлар намоишини йўлга қуйиш

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилофравишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилиш амалиёти: Ўқув-методик қўлланма/Ш.Т. Икрамов, Б.Э.Закиров, А.Т.Жонтўраев, У.М.Носиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 78 б
2. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалар ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари
3. Абдурахмонов С. – Гиёҳвандлик ва ёшлар: муаммолар ва ечимлар, “Жамият ва ҳуқуқ”, 2022.
4. Ҳамидов У. – Гиёҳвандликка қарши курашда профилактиканинг аҳамияти, “Ички ишлар ахбороти”, 2023, №2

5. Абдуллаев М. – Ёшлар ва гиёҳвандлик: ижтимоий таҳдидлар ва ҳуқуқий ёндашув, “Ҳуқуқ” журналы, 2023, №2.



INNOVATIVE
ACADEMY